# М. С. ГОРБАЧЕВнинг

## «Вашингтон пост» газетаси ва «Ньюсуик» журналининг саволларига жавоблари

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Шахсий характеристикалар беришга менинг унча майлим йўқ. Ҳамонки, сиз сўраган экансиз, шуни таъкидлаб ўтишни истардимки, сиёсатчи сифатида президент Рейганнинг муҳим фазилати реализмдир. Бу ўринда мен реализм деганда ўз эътиқодларини ҳимоя қилишни ва айни вақтда ўзгариб бораётган вазиятга мувофиқ тарзда ўз позициясини ўтказа олиш маҳоратини тушунаман.

Саксонинчи йилларнинг бошида Совет Иттифоқида ҳам, Америка Қўшма Штатларида ҳам айни президент Рейган биз билан ядро қуролларини қисқартириш тўғрисидаги тарихда биринчи битимни имзолаши кимнинг хаёлига келган эди? Аммо дунё ўзгарганлигини, мамлакатларимизнинг манфаатлари ўзгараётганлигини теран тушуниб олиш президент ўзининг маълум эътиқодларидан чекинмай, мавжуд реалликларга янгича назар ташлашига имкон берди. Дарҳақиқат, бугунги дунё тақдири учун ниҳоятда масъулиятли бўлган бизнинг давлатларимиз раҳбарлари учун ақидалардан воз кеча билиш олға қараб ҳаракат қилиш манфаати йўлида эскича тасаввурларни улоқтириб ташлашдек фазилатлар зарур эмасми, ахир. Мақсад эса ғоят олижанобдир: халқларимизни ва бутун инсониятни ядро даҳшатидан халос этиш, янги муносабатлар ўрнатиш ва халқаро вазиятни соғломлаштиришдан иборат.

Ҳарбий-саноат комплексига келганда шуни эслатиб қўймоқчиманки, бу тушунчани биз эмас, балки ҳозирги президентнинг ўтмишдошларидан бири, республикачи Дуайт Эйзенхауэр ўйлаб топган эди.

У хато қилмаган кўринади. Аммо ана шу комплекс Америка сиёсатини белгилаб берувчи якка-ю-ягона кучми? Такрор айтаманки, бу комплекснинг таъсири анча катта бўлса ҳам, аммо белгиловчи эмас. Қуролсизланиш масалаларида ижобий ўзгаришлар содир бўлаётган, бу соҳада битимга эришиш йўллари очилаётган, конгрессда ҳарбий бюджетни ва қурол-яроғлар учун бошқа маблағлар ажратиш масалаларини кўриб чиқиш яқинлашаётган бир пайтда мазкур комплекснинг таъсири айниқса рўй-рост ва ошкора сезилмоқда.

Аммо қадимги юнонликлар айтишганидек, ҳамма нарса ўткинчи, ҳамма нарса ўзгариб туради. Агар ҳақиқатан ҳам қуролсизланиш жараёни фаол кечиб, ҳарбий мақсадлар учун корпорацияларга бериладиган буюртмалар камайса, АҚШдан бир неча ўн минг километр нарида бирон-бир воқеа содир бўлганида, буни Американинг миллий манфаатларига хавф пайдо бўлди деб кўрсатиб, «кучни пеш қилиш» тўхтатиладиган бўлса, худди ана шундай пайтда биз сиз билан шу хусусда яна гаплаша оламиз.

**Савол.** Американиклар Вьетнамдаги урушни тўхтатишга қарор қилишганидан кейин у ердаги вазият тез орада мушкуллашганини улар яхши биладилар. Сизнинг фикрингизча, Совет Иттифоқи бир йил мобайнида Афғонистондан ўз қўшинларини олиб чиқаётганида, у ерда қандай ўзгаришлар содир бўлади? Ана шу ўзгаришларни амалга оширишга Совет Иттифоқи қўшадиган улуш қандай бўлади?

**Жавоб.** Вьетнам ва Афғонистонни солиштириш сунъий солиштиришдир. Можаро характери нақадар фарқ қилиши тўғрисида гапирмай ҳам қўяқолай. Американикларнинг Вьетнамдан чиқиб кетиши арафасида бу мамлакат 20 йил мобайнида 17-параллел бўйлаб тахминан иккига бўлинган мамлакат эди. Ана шу икки қисмда узоқ вақтдан бери табиатига кўра бир-бирига зид ва мақсадлари бир-бирига сира ўхшамаган режимлар тимсоли бўлган ҳукуматлар бор эди.

Афғонистонда эса мутлақо бундай эмас. Аксинча, Афғонистон ҳукумати афғон халқини миллий жиҳатдан яраштиришни ва у шу негизда барча қарама-қарши томонлар иштирокида ҳукуматни коалиция тарзида қайта ташкил этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Равшанки, келажак Женева битимларига имзо чеккан барча томонлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларини нечоғлик ҳалол ва собитқадамлик билан бажаришларига, бу битимларга у ёки бу усулда чап беришга уринмасликларига, шерикларни алдамасликларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Шуни яна бир карра тасдиқлашим мумкинки, Совет Иттифоқи ўз мажбуриятларини аниқ ва оғишмай бажариш ниятидадир.

Вазиятни бартараф этиш жараёни қай тахлитда бориши, Афғонистонда қандай ўзгаришлар бўлишини афғонларнинг ўзлари ҳал қилишади. Биз ички ишларга аралашмасликни билдирадиган принципда қатъий турибмиз. Совет Иттифоқи уруш оқибатларини тугатишда, Афғонистон экономикасини мустаҳкамлашда республикага ёрдам беради. Хуллас, сира шак-шубҳасиз, СССР Афғонистоннинг мустақиллиги, бетарафлиги ва қўшилмаган давлат статусини ҳурмат қилиб, ўзининг жанубдаги қўшниси билан азалдан давом этиб келаётган анъанавий яхши қўшничилик ва дўстлик руҳида ҳаракат қилаверади.

**Савол.** Сиз, афғон муаммоси ҳал бўлганидан кейин, бу регионлардаги бошқа можароларга кучли таъсир қилади, деган эдингиз. Совет Иттифоқи Қўшма Штатлар ва бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликда можароларни, жумладан Марказий Америка, Форс кўрфази ва Анголадаги можароларни бартараф этишга тайёрми?

**Жавоб.** Ҳа, тайёр. Агар Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар ўртасида амалий алоқалар йўлга қўйилса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, унинг Хавфсизлик Кенгаши ва бошқа органларининг обрў-эътибори ва имкониятларидан кенг кўламда фойдаланиладиган бўлса, регионлардаги можароларни сиёсий йўл билан бартараф этиш ва янги ана шундай можароларнинг олдини олиш халқаро муносабатлар практикасида тобора қарор топади ва нормага айланади, мен бу ҳақда илгари ҳам гапирган эдим. Ана шу эътиқодимни яна бир карра тасдиқламоқчиман.

Можароларнинг узоқ давом этиши — тарихан ёшини яшаб бўлган ақидалар сиёсатига тазйиқ натижаси эканлиги ҳақида жаҳонда етарлича далил-исботлар бор. Бу ақидалар маълум: ақл-идрок ва сиёсий дадилликка нисбатан куч ишлатиш усуллари афзал кўриниб, миллий хавфсизликни таъминлашга анъанавий ёндашувлар, бошқалар эвазига ўз ҳуқуқ ва манфаатларини қондиришга эришишдек, азалдан таркиб топган одат, халқаро муносабатларда адолат ва инсонпарварликнинг етишмаслиги шулар жумласидандир.

Биз президентга бу ҳақда бир неча бор айтган эдик, бўлажак учрашувда ҳам ана шу масалаларни муҳокама қилиш имкониятига эга бўламиз. Ҳар бир халқ ўз йўлини ўзи танлаб олиши ҳуқуқи ҳурмат қилинган тақдирдагина бу муҳокама самарали бўлади, албатта.

**Савол.** Тэтчер хоним Сиз билан суҳбатлар ҳақида гапирар экан, Ғарб давлати раҳбари ўзгаришларни амалга ошираётганида дуч келадиган танқид ва қаршиликни, Сиз қайта қуриш ва ошкоралик сиёсатини ўтказаётганингиздаги танқид ва қаршилик билан таққослади. Айни вақтда Тэтчер хоним Сизга муваффақият тилади. Ҳақиқатан ҳам бу ўринда ўхшашлик борми?

Яна бир савол. Ошкоралик деганда Сиз биз Ғарбда сўз эркинлиги деб атаётган тушунчадан кўра мутлақо бошқа нарсани назарда тутаётган кўринасиз, чоғи? Бу ўринда қандай тафовут борлигини тушунтириб бера олмайсизми?

**Жавоб.** Мен Тэтчер хоним вақти-вақти билан бизнинг шанимизга айтаётган эзгу сўзларни қадрлайман. Аммо шуни таъкидлашим лозимки, тинчликни сақлаш йўллари тўғрисидаги Тэтчер хонимнинг нуқтаи-назарига, унинг ядровий тийилиб турищга содиқлигига, социализмга бераётган баҳоларига қўшила олмайман.

Энди мамлакатимизнинг ва Ғарбнинг иқтисодий сиёсатидаги ўхшашликлар ва тафовутлар ҳақида гапирай. Истаган нарсада расман ўхшаш жиҳатларни топиш мумкин, албатта, бирон бир ислоҳот моҳиятининг мағзи чақилмаса, дарҳақиқат шундай ўхшаш жиҳатлар топилади. Энг асосий нарса эса принципиал фарқлардадир. Ҳозир СССРда амалга оширилаётган жараёнлар биз сира шубҳа қилмаётган ва принцип эътибори билан халқимиз учун бундан 70 йил илгари бирдан-бир тўғри бўлган тарихан танлаб олинган йўл негизида социалистик жамиятни революцион янгилашнинг кенг кўламли жараёнидир. Акс ҳолда, сиз ҳозир жаҳон тақдири масалаларини муҳокама қилиб турган мамлакатнинг ўзи ҳам бўлмас эди. Қайта қуриш чоғида турғунлик ҳодисаларига барҳам берилаётганлиги, йўлдаги тўсиқларни улоқтириб ташлаш, қолоқликни, консерватизмни тугатишни талаб этмоқда, биз баъзан сабрсизликка ҳам дуч келмоқдамиз. Тор таъмагирлик манфаатлари социал-иқтисодий жиҳатдан ҳам маънавий жиҳатдан ҳам қайта қуришга зид бўлган кишиларнинг онгли равишда қилаётган қаршилиги ҳам бор.

Аммо биз шу тахлитда жамиятни янгилашни, унга янги фазилат бахш этишни истаётган қайта қуриш айни мана шундан иборат. Қайта қуриш қанот ёзиб, илдиз отиб, аҳолининг барча табақаларини, мамлакатнинг бутун территориясини қамраб олмоқда. Қайта қуриш авж олиб, куч-қувватга тўлиб бормоқда.

Ошкоралик ҳақида. Ошкоралик ва сўз эркинлиги бир-бири билан боғланган, албатта, лекин булар айнан бир тушунчанинг ўзи эмас. Сўз эркинлиги — ошкораликнинг зарур шартидир, аммо ошкоралик бундан ҳам кенгроқ тушунчадир, ана шундай шарҳласа ҳам бўлади. Биз ошкораликни ҳар бир гражданнинг жами ижтимоий ва сиёсий масалалар хусусида ўз фикрини рўй-рост айтиш ҳуқуқи дебгина эмас, шу билан бир қаторда мамлакатни бошқараётган партия ва бошқа ҳокимият ҳамда бошқарув органларининг қарорларини қабул қилиш жараёнида рўй-ростлик принципига риоя этишдаги бурчини, ўз ҳаракатлари учун жавоб беришини, танқидга иш билан жавоб қайтаришини, меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари ва айрим гражданлар бераётган маслаҳатлар ва тавсияларнинг инобатга олинишини ҳам тушунамиз.

Бизнинг назаримизда, ошкораликда — мамлакатнинг барча ишларини муҳокама қилишда, жамият манфаатларига тааллуқли бўлган қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишда ва бу қарорларнинг ижросини назорат этишда гражданларнинг реал иштироки учун шарт-шароитлар яратиб беришга алоҳида эътибор қилинмоқда.

**Савол.** Чет элларда пайдо бўлган қайси ғоялар Сизнинг сиёсий ва иқтисодий тафаккурингиз ва ҳаракат тарзингизнинг шаклланишига таъсир этгани ҳақида гапириб бера олмайсизми? Ва аксинча, ошкоралик ва қайта қуриш сиёсати бошқа социалистик мамлакатларга қай тариқа таъсир этмоқда?

**Жавоб.** Американинг «Харпер энд Роу» нашриёти чиқарган қайта қуриш тўғрисидаги китобимда мен янгича сиёсий тафаккур — ядро асри реалликларини идрок этишимиз натижаси, ўз мамлакатимиз ва атрофдаги дунёнинг ўтмиши ва бугунги куни тўғрисидаги теран ва ўз-ўзини танқид руҳидаги фикр-мулоҳазалар меваси эканлигини ёзган эдим.

Янгича тафаккур, қўшилмаслик ҳаракати, жамоат ва илмий доиралар, врачлар, олимлар, экологлар урушга қарши турли ташкилотларнинг хулосаларини ва талабларини инобатга олди ва ўзига сингдирди. Биз бошқа социалистик мамлакатлар тажрибасини ҳам эътиборга олмоқдамиз, улар эса бизнинг тажрибамизни инобатга олмоқдалар, тажрибани ўзаро баҳам кўриш муттасил давом этяпти, аммо бир-биримизга моделларни тиқиштираётганимиз йўқ.

Ҳа, дарҳақиқат, ҳозир биз бир-биримизга боғлиқ эканлигимизни яхшироқ тушуниб турибмиз, бир-бири билан боғланган дунёда яшаётганимизни, ягона замонавий цивилизациянинг ажралмас қисмлари эканлигимизни ҳис этмоқдамиз.

**Савол.** Президентнинг гапларига қараб хулоса чиқарадиган бўлсак, инсон ҳуқуқлари масаласи хусусидаги фикрларингизда тафовутлар бор. Шу билан бир вақтда Андрей Сахаровни озод қилиш, чет элларда яшашни истаётган айрим совет яҳудийларини хорижга жўнаб кетишини енгиллаштириш тўғрисидаги сизнинг дадил қарорингиз бутун дунё эътиборини тортди. Шу йўналишда яна қандай тадбирларни амалга ошириш ниятидасиз?

**Жавоб.** Асосий мазмуни бунёдкорликдан иборат қайта қуришимиз ўтмишнинг барча асоратларидан, социализмнинг инсонпарварлик моҳиятини рўёбга чиқаришга халал бераётган нарсалардан покланишни қамраб олади.

Биз ўз муаммоларимизни биламиз ва улар ҳақида ҳалол ва очиқчасига гапирмоқдамиз. Демократиялаш жараёни инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масаласига ҳам тааллуқлидир. Биз инсон шахсиятининг сиёсий ва ижтимоий статусини оширмоқдамиз. Демократик жараён доирасида кўпгина масалалар ҳозирнинг ўзидаёқ ҳал этилди, қайта қуриш чоғида совет жамияти сифат жиҳатидан ўзгариб борган сайин бошқа масалалар ҳам ҳал бўлаверади. Аммо бу бизнинг ишимиздир. Биз бу масалаларни бирон-бир кимсага тилёғламалик қилиш, яхши кўриниш учун ҳал этаётганимиз йўқ. Бундай қилаётганлигимизнинг боиси шундаки, бу жамиятимиз манфаатларига мос бўлиб тушади. Бусиз қайта қуришни амалга ошириб бўлмайди ва ниҳоят, бунинг боиси шундаки, совет кишилари шуни истамоқдалар, улар ўтмишда муроса қилиб келган ва биз босиб ўтган бетимсол инқилобий ривожланиш йўлида бир қадар муқаррар бўлган ана шундай чеклашларга барҳам бериш зарурлигини аллақачон тушуниб етган эдилар.

Бир куни мен бир американикка, муаммолари бўлмаган мамлакатни айтинг, деган эдим чоғи. Ҳар бир мамлакатда ўз муаммолари, жумладан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги муаммолар бор. Биз Қўшма Штатларда сиёсий, социал-иқтисодий ва бошқа ҳуқуқлар борасидаги ишларнинг аҳволидан хабардормиз, албатта. Америка жамиятининг ютуқлари, муаммолари ва нуқсонларини яхши биламиз. Айни вақтда биз сизнинг ички ишларингизга аралашаётганимиз йўқ. Гарчи Америка жамиятида содир бўлаётган жараёнлар хусусида, маъмуриятингизнинг сиёсати хусусида ўз фикр-мулоҳазаларимизни айтишни ўринли деб ҳисоблаётган бўлсак ҳам, ички ишларингизга аралашаётганимиз йўқ. Биз буларни муҳолифлик объекти қилиб олишни истамаймиз. Биз бундай ёндашувни Совет — Америка муносабатлари манфаатларига, бундай муносабатларнинг келажагига мос бўлиб тушадиган тўғри ва адолатли ёндашув деб ҳисоблаймиз. Яна бир карра шуни таъкидламоқчиманки, биз Қўшма Штатларга ҳеч нарсани тиқиштираётганимиз йўқ. Айни вақтда биз ким бўлишидан қатъи назар ва мамлакатингизда бу иш билан ким шуғулланишидан қатъи назар бизнинг ички ишларимизга аралашишга уринишни рад этамиз.

Ёндашувимиз принципиал жиҳатдан ана шундай. Айни вақтда инсон ҳуқуқлари соҳасида шундай муаммолар ҳам борки, уларни биргаликда кўриб чиқиш талаб этилади. Сўнгги вақтда инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳамкорлик механизми таркиб топа бошлади. Бу ишга олимлар, мутахассислар, жамоатчилик вакиллари кенг жалб этилди. Конкрет масалалар уларнинг учрашувларида осойишта вазиятда ва амалий тарзда кўриб чиқилмоқда.

Биз инсон ҳуқуқлари юзасидан СССР Олий Совети депутатлари ва АҚШ конгресси аъзолари иштирокида доимий орган тузилиши тўғрисидаги аҳдлашувни қутлаймиз. Гражданларнинг ҳуқуқларига риоя этилиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш иккала мамлакатдаги қонун чиқарувчиларнинг ишидир.

Бундан буён ҳам шу руҳда ҳаракат қилишга тайёрмиз.

Саволингиз муносабати билан яна бир фикрни айтмоқчиман. Назаримда, американикларнинг кучли томони уларнинг прагматизми синашта бўлган нарса доғда қолдиргудек бўлса, янги ечимларни қидириб топишга тайёрдир. Рўй-рост айтганим учун маъзур тутинг, аммо американикларда улар билан муомалани мураккаблаштирадиган хусусият ҳам бор. Американикларнинг эътиқодича, улар ихтиёридаги ҳамма нарсалар жуда соз, бошқалар ихтиёридаги нарсалар эса ёмон ва яроқсиз демаганда ҳам ҳар ҳолда унчалик яхши эмас. Мен бу ўринда АҚШда неча ўн йиллардан бери қарор топиб келган антикоммунизм ҳақида, ва гарчи бундан анча йил илгари Альберт Эйнштейн антикоммунизмни «ХХ асрнинг энг катта бўҳтони» деб атаган бўлса ҳам, ҳозир бу ҳақда гапирмай қўяқолай.

Ҳамжиҳатлигимиз ҳаққи-ҳурмати бизни Америка уставига кўра яшашга ўргатишга ҳаракат қилманг, уринишингиз зое кетади. Такрор айтаманки, биз ҳам Қўшма Штатларга ўз қадриятларимизни таклиф қилмоқчи эмасмиз.

Келинг, бир-биримизни ҳурмат қилиб ва инсон фаолиятининг барча жабҳаларидаги ўз меҳнатимиз меваларини холисона баҳам кўриб, ҳар биримиз ўзимизча яшайверайлик.

Шунга ишончим комилки, ҳар бир миллат, ҳар бир халқ ўзига танқидий назар ташласа, бошқаларнинг тажрибасини рад этмаса, бошқа маданият, бошқа тафаккур тарзи, бошқа урф-одатларни тушуниш ва ҳурмат қилишга ва ниҳоят, албатта, террорчилик, фашизм ва диктаторлик режими бўлмаган бошқа сиёсий системани тушуниш ва ҳурмат қилишга қодир бўлса ютқазмайди, балки ютади.

**Савол.** Сизларнинг қайта қуриш сиёсатингиз СССРдаги миллатлар ўртасида қарор топган муносабатларни тубдан ўзгартириш заруратини келтириб чиқарадими? Ана шу сиёсат доирасида маданий хилма-хиллик ва интернационализм манфаатларига мос келадиган янги қадамлар қўйиш кўзда тутилмоқдами?

**Жавоб.** Бизда мамлакатимиздаги миллатлар ва элатлар ўртасидаги муносабатларнинг социалистик принципларини ўзгартириш масаласи қўйилган эмас. Ана шу принципларни бузиш ҳолларини эса тўғрилаб оламиз. Сўнгги вақтда баъзи республикаларимизда юз берган воқеалар ана шу принципларнинг бузилиши билан боғлиқ эди. Бу воқеаларга Ғарбда, айтишим мумкинки, носоғлом қизиқиш билан, кўпинча Советларга қарши мазмунда, ноҳуш ниятлар билан қаралди. Кўпмиллатли Иттифоқимизни заифлаштиришга қаратилган найранглар ишга солинди.

Муаммолар бор, албатта, бу муаммолар шахсга сиғиниш давридан ҳамда экономикада, социал сиёсатда, маънавий ҳаётда, инсоний муносабатларда турғунлик давридан қолган мерос билан боғлиқ. Барча миллатдаги совет кишиларининг чуқур онгига сингиб кетган интернационализм бу соҳадаги муаммоларни ҳал қилишда бизга ёрдам беради. Бу муаммоларни жамиятни тубдан янгилаш жараёнида қайта қуришнинг барча асосий вазифаларини ҳал қилиш билан мустаҳкам боғлиқ равишда ва қайта қуриш руҳида ҳал қиламиз.

* * *

Илгари хабар қилинганидек, М. С. Горбачев «Вашингтон пост» газетаси ва «Ньюсуик» журнали ноширлари билан суҳбатлашди.

**М. С. Горбачев.** Олий даражадаги учрашув арафасида сизларни Москвада табриклаётганимдан хурсандман. Вашингтон шу кунларда нималарга қизиқмоқда?

**К. Грэхэм.** Ҳамма олий даражадаги учрашувга тайёргарлик кўрмоқда. Ана шу воқеа муносабати билан бу ерга минглаб одамлар келади. Уларнинг ҳаммаси олий даражадаги учрашувни катта умид билан кутмоқда.

**М. С. Горбачев.** Москва ҳам олий даражадаги учрашув арафасида турибди. Бу жуда яхши. Бошланган ишнинг давом этаётганлиги — яхши. Совет—Америка мулоқотида юксалишлар ва пасайишлар, эҳтимол унинг ўз эволюцияси бўлиши мумкин, лекин бу мулоқот давом этаётганлиги, муносабатларимизни ривожлантиришда аниқ-равшан натижаларни ваъда қилаётганлигига шубҳа йўқ. Сизларнинг саволларингизга топширган ёзма жавобларимда ҳам мен шу ҳақда айтиб ўтдим. Биз доимий Совет—Америка мулоқотининг ўзига юксак баҳо берамиз. Ғоят хилма-хил соҳаларда — сиёсий, илмий-техникавий, иқтисодий маданий соҳаларда АҚШ билан алоқаларимиз хилма-хилдир. Лекин улар олий даражадаги учрашув ўрнини боса олмайди.

Бунга илова қилиб, Москвада ҳам ўн тўрт йиллик танаффусдан сўнг, Қўшма Штатлар президентининг визитига тайёргарлик кўрилаётганлиги ҳақида сизларни хабардор қилиб қўймоқчиман.

**К. Грэхэм.** Сиз президент Рейган билан, шунингдек Ж. Шульц ва Э. А. Шеварднадзе билан илгари етишмай турган нарсани, яъни самарали муҳокама юритишнинг янги механизмини яратганлигингизни таъкидламоқчиман.

**М. С. Горбачев.** Мен буни сўнгги йиллардаги ўзаро алоқаларимизнинг ҳақиқатан ҳам ғоят муҳим натижаси, деб ҳисоблайман. Ана шу алоқалар давомида эришилган конкрет аҳдномаларни, айниқса ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги Шартномани жуда қадрлайман. Шундай бўлса ҳам мен энг муҳим ютуқ — мунтазам равишда сиёсий мулоқот ўтказиш, деб ҳисоблайман.

Назаримда сизларни сўроқ қила бошладим... Ташаббусни ўз қўлимга олиш учун шундай қилдим. Ахир мен сизларнинг ёзма саволларингизга жавоб қайтардим. Энди шунчаки суҳбатлашсак бўлаверади.

**К. Грэхэм.** Мен суҳбатимизни ёзма саволларимизга жавоб қайтарганлигингиз учун Сизга миннатдорчилик билдиришдан бошламоқчи эдим. Бу жавоблар бизга кўп нарсани ойдинлаштириб беради, бунинг учун, рўй-рост жавобларингиз учун миннатдормиз. Шу суҳбат давомида биз жуда кўп масалалар хусусида гаплашиб олишни истаймиз, албатта.

Мазкур учрашувга тайёрланаётиб, биз жуда кўп кишилар билан гаплашдик, деярли ҳамма жойда бизга Сиз жуда кўп муаммоларга дуч келаётганлигингиз, бу муаммоларни ҳал этиш нақадар қийин бўлиши тўғрисида гапиришди. Режаларингизнинг ғоят дадиллиги жуда кўп одамларга чинакам ҳайратга солувчи таъсир ўтказмоқда. Мен Сиздан шуни сўрамоқчи эдим, Сизга вазифалар ҳақиқатан ҳам жуда мураккаб ва ҳатто бажариб бўлмайдигандек туюлиб, шубҳага тушган пайтларингиз бўладими? Иккиланиш дақиқалари бўладими?

Никита Хрушчев каби ўтмишдошларингизнинг режалаштирган программалари муваффақият қозонмай барбод бўлган бир пайтда, Сизнингча нима учун ислоҳот программангиз муваффақият қозониши керак?

**М. С. Горбачев.** Нима ҳам дердим. Сиз чамаси энг асосий саволни бердингиз, бизнинг одамларимиз ҳам бу саволимга жавоб олишни истайдилар, менимча иккала халқимиз ва иккала мамлакатимиз тақдир тақозоси билан, айнан шу тақдир тақозоси билан биз хоҳласак ҳам, хоҳламасак ҳам, американиклар ҳам ҳамкорлик қилиши, биргаликда яшашни ўрганиши лозим. Бу эса, табиийки, бир-биримизни билиб олишни, аввало режаларимизни билиб олишни тақозо этади. Бизнинг режаларимиз ҳақиқатан ҳам улкан. Айнан шу сабабли қайта қуришни биз революцион қайта қуриш, деб атадик.

Балки сизлар биларсизлар, бу ғалати туюлади, лекин мен ҳозир қайта қуришни, жамиятимизни янгилашни сиёсий йўл сифатида танлаб олганимизга ишончим янада комил бўлди. Ҳолбуки, ҳозир қийинчиликлар янада кўпайди. Буни қандай изоҳлаш мумкин? Чамаси, биз ҳозир нималарни хоҳлаётганимизни ва бунга қандай эришишни яхшироқ биламиз, шу сабабли ишончимиз ҳам ортди.

Биз партия Марказий Комитетида бўлажак XIX партия конференцияси ҳужжатларини муҳокама қиламиз. Сизларга айтишим мумкинки, конференция назаримда барча режаларимизни, қайта қуриш концепциясини амалга ошириш борасидаги ишларимизни кучайтиради.

Бироқ, шу айтган гапларим билан чекланиб қолсам, сизларнинг назарингизда мен ўвига ортиқча бино қўйган кишига ўхшаб қолардим. Жамиятимиз тараққиётининг мана шу бурилиш босқичида қарор қабул қилиш жуда масъулиятли ва аввало ўз халқимиз олдида жуда масъулиятли иш. Биз чоғимда, хатолар ҳам қилишимиз мумкин, аммо биз бу хатолар кам бўлишини, ҳеч бўлмаганда катта хатолар кам бўлишини истаймиз. Чунки энг қимматга тушадиган хато — сиёсий хатолардир. Биз ана шундан ўзимизни асрамоқчимиз. Шу боисдан биз энг асосий, ғоят принципиал қарорларни демократия жараёни доирасида бутун жамиятимиз, унинг интеллектуал кучларининг фаол иштирокида тайёрламоқдамиз. Бу эса сиёсий хато қилмасликнинг энг асосий усулидир. Шу боисдан ҳам биз демократиялаш ва ошкоралик жараёнини қатъият билан авж олдирмоқдамиз. Биз бу йўлимиздан чекинмаймиз. Қайта қуришда айнан шу йўналишда энг кўп даражада олға силжиганга ўхшаймиз.

Энди мен саволингизнинг иккинчи қисмига жавоб бераман. Ҳақиқатан ҳам жамиятимизда, партиямизда олдин ҳам ислоҳот, янгилаш зарурлиги англаб етилган эди. Ана шундай ислоҳотни жуда кенг миқёсда амалга оширишга уриниб ҳам кўрилди. Сиз айтганингиздек, жумладан Никита Сергеевич Хрущев, у бошчилик қилган раҳбарият ҳам уриниб кўрди. Менимча шуни ҳам айтиш керакки, Л. И. Брежнев ишлаган даврда ҳам у бошчилик қилган раҳбарият катта-катта планларни режалаштирган ва бошлаган эди. Лекин улар ниҳоясига етказилмади. Асосан шунинг учун ҳам ниҳоясига етмадики, ҳал қилувчи кучга таянилмади — жамиятни модернизация қилиш, уни қайта қуриш ишига одамлар жалб этилмади. Биз ўтмишдаги ана шу тарихимиздан ўзимиз учун сабоқ чиқариб олдик. Шу сабабли ҳам демократиялаш жараёнини қатъият билан авж олдирмоқдамиз.

Ҳозир бизда «Демократия кўпроқ бўлсин — социализм кўпроқ бўлсин», деган ибора бор. Бу сўзларнинг чиройли боғланиши, шунчаки шиор эмас. Бу пухта ўйланган йўл-йўриқдир: демократия жараёнини авж олдириш орқали, одамларни иқтисодий, сиёсий, социал, маданий ўзгартишларга жалб этиш орқали социализмнинг имкониятларини, шу система замиридаги барча имкониятларни рўёбга чиқариш ҳақидаги йўл-йўриқдир.

Эндиликда биз уч йил давомида қайта қуриш тажрибасини орттирдик. Янги босқичда иш олиб бордик ва эндиликда қайта қуриш умумхалқ иши, миллий иш бўлиб қолди, деб ишонч билан айта оламиз. Эҳтимол, кўп авлодлар, айниқса мен мансуб бўлган авлод эса одамларнинг ҳозир биз кўриб турган бундай фаоллигини, жамият ишларидан бундай манфаатдорлигини ҳеч қачон кўрмаган бўлсалар керак. Одамлар партия, давлат, хўжалик органлари фаолиятини, барча жараёнларни қизғин муҳокама қилмоқдалар. Мамлакатда юз бераётган ҳамма ишларга қизиқиш жуда катта. Бу — турғунликдан, лоқайдликдан чиқилганлиги далилидир. Ҳаётимиз жуда жўшқин. Мана шу жўшқин денгизда кемани бошқариб бориш осон эмас. Аммо бизда компасимиз ҳам, командамиз ҳам бор. Кемамиз эса жуда мустаҳкам.

**Ж. Хогленд.** Қайта қуриш билан боғлиқ бир нечта конкрет савол бермоқчи эдим. Сиз ҳозирги давр — жўшқин давр, баъзи соҳаларда қийинчиликлар олдингидан ҳам кўп, дедингиз. Мен хусусан нарх-наво ислоҳоти қайта қуришнинг ғоят муҳим жиҳати деб ўйлайман. Сизларнинг мамлакатингизда субсидиялар системаси мавжуд бўлиб, бу халқ билан ҳукумат ўртасидаги эски социал шартноманинг бир қисмидир. Бунинг маъноси шуки, ҳар бир совет кишиси ўзи сотиб олаётган ҳар бир килограмм гўштга 3 сўм миқдорида ва ҳар литр сутга 30 тийин миқдорида субсидия олади. Сиз мамлакат учун жуда қимматга тушаётган бу система ўзгартирилиши керак, деб ҳисоблайсизми, агар шундай деб ҳисоблансангиз бу қанчалик шошилинч вазифа ва у қандай бажарилади?

**М. С. Горбачев.** Биз бу муаммони муҳокама қиляпмиз. Фақат ҳукумат доираларида эмас, жамиятда ҳам муҳокама қиляпмиз. Москвада бўлган кичи матбуотимиз мазкур масалалар юзасидан мунозара олиб бориляётганлигини тасдиқлаши мумкин. Унда оддий гражданлар, ишчилар, колхозчилар, зиёлилар, ветеранлар, мутахассислар қатнашмоқдалар. Бу муаммо бутун жамиятга дахлдордир.

Туб иқтисодий ислоҳот, нарх-наво ва нарх белгилаш тушунчаларини ўз ичига оладиган комплекс чора-тадбирлар агар таъбир жоиз бўлса, катта аҳамиятга эга. Мен нарх-наво тўғрисида гапирганимда улгуржи нархларни ҳам, харид нархларини ҳам, чакана нархларни ҳам кўзда тутаман. Биз янги беш йилликни янги нархлар асосида тузиш ниятидамиз.

Эндиликда аслида унга қандай ёндашиш тўғрисида гапирмоқчиман. Ҳукумат доираларида ҳам, илмий доираларда ҳам бу хусусдаги нуқтаи-назар аниқ шаклланган. Бу ҳақда биз халққа дастлабки тарзда гапирдик. Яъни нарх-навони ислоҳот қилишда, нарх белгилаш системасини ўзгартиришда энг аввало реал турмуш даражаси пасайиб кетмаслигига амал қилишимизни айтдик.

Ундай бўлса, ислоҳ қилишнинг нима аҳамияти бор, деб сўрашингиз мумкин. Аҳамияти шундаки, нарх-наво реал иқтисодий жараёнларга мос бўлиши, унда реал сарф-харажатлар, сарфланган меҳнат акс этиши лозим. Бу эса бутун молия системасини ҳам соғломлаштиришга имкон беради. Шу асосда хўжалик ҳисобини муваффақиятлироқ авж олдириш, барча коллективларда экономикани фан-техника тараққиётини юксалтириш, юксак меҳнат унумдорлигига эришиш, жамиятнинг ишлаб чиқариш воситаларига ҳам, товарларга ҳам, яхши сифатли хизматга ҳам эҳтиёжни яхшироқ қондириш йўлларини излашга қаратилган тўғри йўналишда ривожлантирадиган ҳамма моддий омилларни ишга солиш мумкин бўлади.

Бунда янги нархларнинг жорий этилиши келтирадиган зарарни қоплаш системасини жуда пухта ўйлаб оламиз — ҳозир шу хусусда иш олиб боряпмиз: гап ҳозир чакана нархлар тўғрисида бормоқда. Биз бунга тайёр бўлганимизда, тадбирларимиз пухта ўйланиб, ҳар томонлама ҳисобга олинганида, уларни бутун мамлакат муҳокамасига қўямиз. Биз халққа шундай ваъда қилганмиз, худди шундай ҳаракат қиламиз. Халқ розилигисиз ҳеч иш қилмаймиз.

**Ж. Хогленд.** Қўшни социалистик мамлакатда, Польшада нарх-наво ислоҳоти гражданларни ташвишга солганлигини, катта муаммоларни келтириб чиқарганлигини биз ҳозиргина кўрдик. Сиз ана шундай жўшқин воқеалар бўлмайди, деб ўйлайсизми?

**М. С. Горбачев.** Бизда вазият бошқача. Биздаги вазият шундайки, нарх-навонинг асосий қисми давлат томонидан қаттиқ контрол қилиб турилади. Шу сабабли мақбул жиҳатини топиш: зарур иқтисодий механизмларни бўшатиб олиш ва шу билан бирга зарур марказлаштирилган контролни сақлаб қолиш муҳимдир. Чамаси буни бирданига ҳал қилиб бўлмайди. Янги нарх-наво механизмини вужудга келтириш иқтисодий ислоҳот доирасида ўтадиган жараёндир.

Бизни сакрашни билдирадиган ҳаракатлар қилишга ичкаридан ҳам, ташқаридан ҳам ундамоқдалар. Аммо биз вазминлик билан, ҳамма нарсани ҳисоб-китоб қилиб ҳаракат қиламиз. Демократия механизми орқали халқ билан муттасил маслаҳатлашаверамиз.

Ҳар ҳолда энди, назаримда, менинг жавобимдан кейин, «Вашингтон пост» қайта қуришни жадаллаштириш учун бизга ўйламай-нетмай маслаҳат беришни тўхтатса керак. **(Кулги).**

**М. Гринфилд.** Жаноб Горбачев, мен Сизга бошқа соҳадаги қайта қуриш тўғрисида савол бермоқчиман. Сиз халқаро муносабатларни, хусусан социалистик мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни қайта қуриш ҳақида ёзган эдингиз.

Сиз ҳар бир мамлакат ўз тараққиёт йўлини: капитализм йўлини, социализмни ёки бошқа бирор йўлни танлаб олиш учун мутлақ ҳуқуққа эга бўлиши керак, деб қойил-мақом қилиб ёзган эдингиз. Мен буни Шарқий Европадаги социалистик мамлакатларга нисбатан қанчалик қўлланиш мумкинлигини сўрамоқчи эдим. Масалан, Польшада жамиятнинг эҳтимол коммунистик партия етакчи роль ўйнамайдиган плюралистик системаси учун курашаётган унсурлар бор. Булар қанчалик мақбул, бунга сиз қанчалик тоқат қилиш мумкин?

**М. С. Горбачев.** Сиз саволингизни Польша раҳбарларига берсангиз яхшироқ бўларди, деб ўйлайман. Бу саволингизнинг дастлабки қисмига мос келарди. Шунга қарамай, бир-икки оғиз гапириб ўтмоқчиман.

Биз ҳар бир халқ, у дунёнинг қайси қисмида яшашидан қатъи назар, ўз социал йўлини танлаб олишга, ўз жамиятини такомиллаштириш йўлини танлаб олишга ҳақли, деб ҳисоблаймиз. Польша халқи Польшанинг куч-қудрати ортиб, мустаҳкамланиб бориши учун, унинг тараққиёти халққа самара бериши учун ҳозир нима қилиши зарурлиги унга аён бўлса керак, деб ўйлайман.

Биз ўз мамлакатимизда амалга ошираётган ишлар — бизнинг ўз ишимиз. Қайта қуриш бизнинг шароитимизда вужудга келган. У бизга керак. Биз қайта қуришни кенгайтириб чуқурлаштираверамиз. Лекин биз ўз тараққиёт методларимизни, жамиятимизни такомиллаштириш усулларини ҳеч кимга тиқиштирмаймиз. Бу ҳар кимнинг ўз иши. Поляклар ҳам Польшани ривожлантириш учун нима қилиш кераклигини ўзлари белгилаб оладилар, деб ўйлайман. Одамларнинг асосий кўпчилиги, Польша жамиятининг асосий қисми улар урушдан кейин танлаб олган йўлдан бориш тарафдори эканлигига ишончим комил.

**М. Гринфилд.** Шу муносабат билан Сизнинг Белграддаги бир баёнотингизни эслатиб ўтмоқчиман. У ерда Сиз бошқа бир мамлакатнинг ишига номақбул равишда куч билан аралашишга олиб келадиган вазиятнинг ўзи йўқ, деган эдингиз. Биз буни Ғарбда тушунганимиздек, 1956 йилда Венгрияда ёки 1968 йилда Чехословакияда бўлгани каби вазият, бундай вазият такрорланмаслиги мумкин эмаслигини билдирадими? Шу талқин тўғрими?

**М. С. Горбачев.** Ҳа, мен Югославияда бу хусусда ўз фикримни айтган эдим. Ўша айтган гапларимни тасдиқлашим мумкин, унга бошқа ҳеч нарсани илова қилолмайман. Фақат қуйидагиларни таъкидлаб ўтмоқчиман: ҳар қандай томоннинг аралашувига йўл қўйиб бўлмайди. Сиз аралашмаслик тўғрисида гапирганингизда, нималарни кўзда тутаётганингизни англаб турибман. Аммо ўша вазиятларни эслаб, мен каттароқ нарсани, яъни сиз айтган воқеалар юз беришидан олдин бошқача тарздаги аралашувлар бўлганлигини кўзда тутмоқдаман.

Буни қаранг, урушдан кейин қанча вақт ўтди, шунга қарамай, баъзи ғарб пойтахтларида ҳозир ҳам парламентлар ёки шунга ўхшаш органлар бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашиш, деб баҳо бериш мумкин бўлган қарорларни қабул қилмоқдалар.

Сўнгги ўн йилликларда жаҳон жуда ўзгариб кетди. Ҳозир ҳатто энг кичик халқ ҳам ҳеч бир томоннинг аралашувига ва буйруқ беришига тоқат қила олмайди. Бизнинг социалистик мамлакатлар билан муносабатларимиз — мустақил давлатларнинг тенг ҳуқуқли муносабатларидир. Бу ҳамкорлик, ўзаро ёрдам муносабатларидир. Биз жуда кўп нарсани, шу жумладан ресурсларни ҳам баҳам кўрмоқдамиз. Ҳамкорлигимиз ўтмишда ҳар бир мамлакат экономикасини юксалтиришга, катта социал ўзгартишларни амалга оширишга имкон берди ва ҳозир ҳам имкон бермоқда, шу маънода биз бирбиримизга қараммиз. Бундай ҳамкорлик социалистик мамлакатларда чуқур ўзгаришлар бораётган ҳозирги босқичда яхши базадир, у ўз ижобий ролини ўйнайди, деб ўйлайман.

**Р. Смит.** Партия конференцияси арафасида ўртага қўйилаётган баъзи конкрет таклифларга Сизнинг шахсий муносабатингизни билишни истаймиз. Хусусан партия раҳбарларининг ўз лавозимларида туриш муддатларини чеклаш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлайсизми, агар қўллаб-қувватласангиз, у ҳолда бу таклиф Бош секретарь лавозимига ҳам тааллуқлими?

**М. С. Горбачев.** Бу саволларнинг ҳаммасига яқин кунларда жавоб оласизлар. Ҳозирча бир сўз билан — ҳа, деб жавоб бермоқчиман.

**Р. Смит.** Ҳар ҳолда бироз кўпроқ гапириб берасиз, деб умид қиламиз...

**М. С. Горбачев.** У ҳолда — бугун қайси кун? Ўн саккизинчими? — 5—6 кундан кейин ўқиб олишингиз мумкин бўлган нарсаларни олдиндан айтиб қўйган бўлардим. «Вашингтон пост» ҳамиша кўпроқ ва ҳаммадан олдин билиб олишни истайди. **(Жонланиш).**

(Давоми учинчи бетда).

